


ҚАРОР

2025 йил 17 июнь куни жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, тергов судьяси И.Алланиязов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Сапарбоев котиблигида, И.Н. ва жабрланувчи Д.Калимбетованинг иштирокида, И.Н.га нисбатан МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати юзасидан 3-2303-2502/1229-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқди.



да
яшайди.

Суд, И.Н.нинг кўрсатмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ

И.Н. 2025 йил апрель ойида 01.10.2008 йилда туғилган М.А.га “” ижтимоий тармоғи орқали турли хил уятсиз стикерларни ва ўзининг жинсий аъзоси расмларини жўнатиб, унга шахвоний шилқимлик қилгани юзасидан унга нисбатан МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган.

Суд мажлисида И.Н. ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йил апрель ойида М.А. билан танишиб қолганлигини, унга “” ижтимоий тармоғи орқали турли хил уятсиз стикерларни ва ўзининг жинсий аъзоси расмларини жўнатганини, қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини айтиб кўрсатма берди.

Суд мажлисида, М.А.нинг онаси Д.Калимбетова 2025 йил май ойида кизининг телефонида, И.Н., “” ижтимоий тармоғи орқали турли хил уятсиз стикерларни ва ўзининг жинсий аъзоси расмларини жўнатганини кўриб қолганини, кейин ички ишлар бўлимига мурожаат қилганини, И.Н.га нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Суд, томонларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик И.Н.нинг айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатмаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган ва И.Н.нинг ҳаракатлари МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Суд, И.Н.га жазо тайинлашда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиб, уни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида, унга нисбатан МЖТКнинг 41¹-



моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган маъмурий қамоққа олиш жазосини тайинлашни лозим топди.

2017 йил 9 январдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида, маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьясининг, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорига кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундирилади, деб белгиланган.

Шунга кўра суд, И.Н.дан уни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ҚР ИИВнинг банкдаги ҳисобрақамига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда 2017 йил 9 январдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245, 309-311-моддаларига асосан, суд,

ҚАРОР ҚИЛДИ

██ МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилсин ва унга шу модда билан 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Маъмурий қамоқ муддатини ўташ 2025 йил 17 июнь куни соат 11:20 дан бошлаб ҳисоблансин.

██ дан маъмурий қамоқда бўлган ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи, яъни 56.250 сўмдан, жами 281.250 сўм Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миллий банк Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг ИНН 202672985, МФО 00015, 21506000800577271016 ҳисоб рақамига ундирилсин.

Суд томонидан тайинлаган жазони ўташ жойи ҚР ИИВ ЖХХ ЖТСБ махсус қабулхонаси деб белгилансин.

Қарор ижросини таъминлаш Беруний тумани ҚР ИИВ 2-сонли минтақавий ҳудуд ҳудудий мувофиқлаштириш маркази бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тараф, қарор эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ҳуқуқбузар қарор нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига апелляция тартибида шикоят бериши, агарда иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда олти ой муддат ичида кассация тартибда шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Алланиязов

